

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 25 сентябрь, № 203 (7705) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРДАГИ ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 сентябрь куни ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодиётнинг ўсиш нуқталаридан бири, аҳоли бандлигини таъминлашнинг катта манбаи. Шу боис мамлакатимизда бу соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Президентнинг Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, барча зарур шароитлар яратиб берилди. Энди ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ишни тўғри ташкил этиб, янги корхоналар очилиши, уларнинг яшовчанлиги, маҳсулотлари ҳажми, яратилган иш ўринлари бўйича натижа қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги қарорига асосан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизими жорий этилган эди. Шунга мувофиқ, биринчи марта туман ва шаҳарлардаги иқтисодий кўрсаткичлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳити, инфратузилма ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражаси ўрганилди. Таҳлиллар асосида улардаги тадбиркорлик ривожи ҳолати “яхши”, “ўрта” ва “қониқарсиз” ҳудудларга ажратилди. Хусусан, 48 та туман ва шаҳардаги ҳолат “яхши”, 119 тасида “ўрта” ҳамда 33 тасида “қониқарсиз” деб топилган.

Видеоселектор йиғилишида ушбу таҳлиллар асосида жойлардаги муаммоларни ҳал этиш, кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган ҳудудларга кўмаклашиш чоралари муҳокама қилинди.

Иқтисодий комплексга кирувчи вазирлик ва муассасалар “тадбиркорга хизмат қилувчи” ташкилотга айланиши зарурлиги таъкидланди. “Қониқарсиз” деб баҳоланган туман ва шаҳарларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, “яхши” ҳудудларнинг тажрибасини оммалаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Мисол учун, Самарқанд туманида ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажми 1,1 триллион сўмни ташкил этиб, аҳоли жон бошига 4,5 миллион сўмдан тўғри келган. Бу Самарқанд вилоятидаги энг юқори кўрсаткичдир. Шунингдек, 508 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, янги иш ўринларининг 71 фоизи кичик бизнесда очилган. Маҳаллий бюджет тушумлари сўнгги уч йилда 2 баравар ортган.

Шунингдек, Қамаши туманида сўнгги уч йилда 802 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, ишламаётган 132 та корхона қайта тикланган. Экспорт ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баробар ошган.

Аксинча, Нукус, Тахиатош, Шуманай, Балиқчи, Жалақудуқ, Марҳамат, Жондор, Шофиркон, Бахмал, Мирзачўл, Нишон, Касби, Конимех, Томди, Мингбулоқ, Янгиқўрғон, Қўшработ, Пайариқ, Пахтачи, Сардоба, Ховос, Музработ, Қумқўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Бўка, Қўштепа, Фурқат, Ёзёвон, Хонқа, Шовот, Учтепа, Юнусобод туманларидаги аҳвол қониқарсиз. Аслида уларда ҳам етарлича салоҳият ва инфратузилма бор.

Масалан, Қумқўрғон тумани тадбиркорлик кўрсаткичлари бўйича Сурхондарё вилоятида энг охирги ўринлардан бирида. Лекин у ерда 124 минг гектар яйлов ва 48 минг гектар фойдаланишдан чиққан ер бор. Улардан самарали фойдаланиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмаган.

Бекобод туманида ҳам кичик бизнес улуши республикадаги энг сўнгги ўринлардан бирида. Туманда йилига 36 минг тонна пахта, 100 минг тонна дон етиштирилсада, қайта ишланмайди.

Мутасаддиларга “қониқарсиз” деб баҳоланган туманларда муҳандислик коммуникацияларини яхшилаб, кичик саноат зонаси ташкил этиш, яйловларда чорвачилик, қоракўлчилик, йилқичиликни ривожлантириш, чегараолди савдо ва хизматларни кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Яхши кўрсаткичларга эришган туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари маошига 30 фоиз устама тайинланиб, аҳвол қониқарсиз бўлган ҳудудлар раҳбарларига жарима қўлланиши айтиб ўтилди.

**— Одамларимиз турмушини яхшилашга ҳаракат қилмаган раҳбар бир кун ҳам ишламайди, — деди Шавкат Мирзиёев.**

“Қониқарсиз” ҳамда “ўрта” деб баҳоланган туман ва шаҳарларда инқирозга қарши бошқарув тизими жорий этилиши белгиланди. Яъни уларга раҳбарлик қилиш истагини билдирган ҳар қандай талабгор ҳудудни ривожлантириш дастурини маҳаллий Кенгашларда ҳимоя қилиши мумкин. Халқ вакилларини ишонтира олган салоҳиятли кишилар бутун жамоаси билан туманга раҳбар этиб тайинланади.

**— Ҳокимларни халқ сайлаши керак. Шу кунларга барибир келамиз, — дея таъкидлади Президент.**

Йиғилишда янги корхоналар ташкил этиш, борларини қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг 8 ойида 60 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари фаолият бошлади. Уларнинг ҳар бири ўртача 38 миллион сўм солиқ тушумини таъминлаб, камида 2 тадан иш ўрни яратмоқда. Лекин 31 мингдан зиёд корхоналар фаолияти ҳалигача тикланмаган. Ўз бизнесини очиш ҳаракатидаги инсонлар ҳам жуда кўп.

Савдо-саноат палатаси раҳбарлари ва Бизнес-омбудсман жойларга чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлашга халақит бераётган муаммоларни ҳал этиши, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ташаббусларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиши кераклиги таъкидланди.

“Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш, банклар томонидан маблағ берилган, лекин хом ашё, энергия ресурси ёки логистика каби сабабларга кўра тўхтаб қолган лойиҳаларни ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Тижорат банклари тадбиркорларнинг бизнесдаги натижаларига қараб уларга “имтиёзли хизматлар пакети”ни таклиф қилиши муҳимлиги айтилди.

Маълумки, кичик бизнес ва маҳаллий ресурс солиқлари тўлиқ ҳудудлар ихтиёрида қолдирилмоқда. Яъни ҳудудларнинг бюджет барқарорлиги, ривожланиши тадбиркорлик фаолияти билан бевосита боғлиқ.

Масалан, Конимех туманида маҳаллий бюджетга солиқ тушумлари жорий йилнинг 8 ойида ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 141 фоиз ошган. Пандемия даврида молиявий қийинчиликка дуч келган 20 та корхонага солиқ таътили берилиши натижасида 100 та иш ўрни сақлаб қолинган.

Давлат солиқ қўмитасига барча вилоятларда ишни шундай ташкил этиб, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш юзасидан кўрсатма берилди.

Йиғилишда бу йил кутилаётган бюджет тақчиллигини имкон қадар қисқартириш учун қўшимча тушумларни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини таҳлил қилиб, қўшимча даромадларни аниқлаш, бюджет ташкилотларининг пуллик хизматлардан даромадларини кўпайтириш ва бино-иншоотларидан самарали фойдаланиш муҳимлиги қайд этилди.

Охирги 4 йилда бизнесни ривожлантириш учун яратилган имкониятлар натижасида кўплаб кичик корхоналар фаолияти кенгайган. Давлатимиз раҳбари бундай интилишларни рағбатлантириш, корхоналарни йириклашишга ундайдиган қулай муҳит яратиш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда, тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзларни табақалаштириш керак. Ўрта бизнес тоифасига кириши мумкин бўлган корхонани аниқлаб, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан мақсадли маблағлар ажратиш, маҳсулотини сертификатлаш, илм ва инновация харажатларини қисман қоплаб бериш каби чоралар орқали уларга кўмаклашиш муҳимлиги айтилди.

Видеоселектор йиғилишида сўзга чиққан ҳокимлар тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча захираларни ишга солишга доир режаларини баён қилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# «ТАБИИЙ ГАЗ НАЗОРАТИ ВА ҲИСОБИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6010-сон Фармонининг ижросини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали табиий газни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш, йўқотишларни бартараф этиш, шунингдек, истеъмол қилинган табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида:

1. **“Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини** (кейинги ўринларда — Лойиҳа) амалга ошириш доирасида “Ҳудудгазтаъминот” АЖ томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар орасида белгиланган тартибда ўтказилган **тендер натижаларига мувофиқ** “Технопарк” МЧЖ билан электрон газ ҳисоблагичлари ва зарур бўлган ускуналарни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳани амалга ошириш:

а) қуйидаги **асосий йўналишлар асосида жадаллаштирилсин**:

табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини (кейинги ўринларда — Тизим) **“ишлаб чиқариш — газ тақсимлаш станцияси — туман (шаҳар) чегараси — йирик участкалар кириш қисми — истеъмолчи”** принципи асосида бутун тармоқ бўйича жорий қилиш;

ҳисоблагичларни, **биринчи навбатда, аҳолининг** табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган **ҳудудларга ўрнатиш**, шунингдек, **йирик истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларини** уларнинг ҳисобидан Тизимга улаш;

**аҳоли яшаш пунктларида** барча истеъмолчиларнинг (маиший, саноат ва бюджет) ҳисоблагичларини ҳамда **йирик участкалар кириш қисмидаги** ҳисоблагичларни **бир вақтнинг ўзида ўрнатиш ва Тизимга улаш** ҳамда тармоқдаги **йўқотишларни бартараф этиш бўйича ишларни ташкиллаштириш**;

ҳисоблагичларни ўрнатиш ва Тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий машғулотларни ташкил этиш орқали **жойлардаги барча ходимларнинг кўникма ва малакасини ошириш**;

б) қуйидаги **тартибда ташкил этилсин**:

“Ҳудудгазтаъминот” АЖ маблағлари эвазига **2020 йил 1 октябрга** қадар **Қибрай**, **Зангиота** ва **Тошкент** туманларида Тизимни ўрнатиш;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган кредит маблағлари эвазига **2021 йил 1 февралга** қадар **Ўрта Чирчиқ**, **Чиноз**, **Юқори Чирчиқ**, **Янгийўл** ва **Кармана** туманлари ҳамда **Тошкент**, **Андижон**, **Бухоро**, **Гулистон**, **Жиззах**, **Наманган**, **Нукус**, **Самарқанд**, **Термиз**, **Урганч**, **Қарши**, **Каттақўрғон**, **Қўқон**, **Марғилон** шаҳарларида ва бошқа қарздорлик даражаси баланд бўлган ҳудудларда Тизимни ўрнатиш;

**2021 йил 1 августга** қадар республиканинг бошқа ҳудудларида истеъмолчиларга замонавий ҳисоблагичларни ўрнатиб, Тизимни тўлиқ жорий этиш;

**икки ой муддатда** йирик истеъмолчилар, автомобилларга газ қуйиш шохобчалари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларини, **2020 йил якунига қадар** қолган тадбиркорлик субъектларини уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда **2021 йил 1 майга қадар** ижтимоий соҳа объектларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Тизимга уланишини таъминлаш.

**(Давоми 2-бетда).**

# ЮНЕСКО ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

*Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида илгари сурилган 2021 йилда Хива шаҳрида “Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзуида халқаро форумни ўтказиш ташаббуси ЮНЕСКО доирасида катта қизиқиш уйғотди.*

*ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хоним ушбу ташаббусни жуда илиқ кутиб олиб, уни ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали қўллаб-қувватлади. Ташкилот раҳбари ушбу тадбирнинг муҳимлиги ва ўз вақтида ўтказилишини таъкидлаб, шундай дейди: “Халқаро форум Марказий Осиёнинг умумий маданиятига шўнғиш имкониятини яратади”.*




## Ҳамкорлик




“Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзуидаги халқаро форумни ўтказишга қизиқиш юқорилигини қуйидаги жиҳатларда кўриш мумкин.

Аввало, мазкур форум ЮНЕСКО мандатига кирувчи асосий йўналишлар — илм-фан ва маданиятни тарғиб қилишга қаратилган. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, минтақамизнинг кўҳна ва бой маданий мероси глобал аҳамиятга эга.

Иккинчидан, ташаббус ЮНЕСКО фаолиятига тўла мос тушади. Ташкилот бир неча ўн йиллар давомида Марказий Осиё маданияти ва тарихи ҳақида улкан тадқиқотлар олиб бормоқда. ЮНЕСКОнинг “Буюк Ипак йўли” махсус онлайн платформасида минтақамизга тегишли кўплаб маданий ҳамда илмий артефактларнинг нусхалари тўпланган. Бугунги кунда “Ипак йўли” дастури доирасида изланишлар ва тадқиқотлар давом этмоқда. ЮНЕСКО 6 томдан иборат “Марказий Осиё цивилизациялари тарихи” номли китоблар тўпламини ҳам нашр қилган.

Президентимизнинг ушбу ташаббусига қизиқиш юқорилиги ЮНЕСКО билан тобора мустаҳкамланиб бораётган икки томонлама алоқаларимиз маҳсули, десак, тўғри бўлади. Давлатимиз раҳбарининг ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле билан 2018-2019 йилларда Париж ва Самарқандда бўлиб ўтган учрашувлари натижасида ҳамкорлик изчил ривожланаётир. ЮНЕСКО раҳбарияти Ўзбекистон ҳукуматининг ўзаро алоқаларни кенгайтиришга интилишини доим юқори баҳолаб келади.

Қолаверса, ЮНЕСКО Ўзбекистон билан ҳамкорликда йирик халқаро маданий-маърифий ва илмий тадбирларни юқори савияда ўтказиш бўйича катта тажрибага эга. Мамлакатимизда сўнгги йилларда ўтказилган “Шарқ тароналари”, Бахшичилик ва Мақом фестиваллари ушбу ташкилот шафелигида ўтказилди. Бундан ташқари, ўтган йили Самарқандда ЮНЕСКО иштирокида “Моддий ва номоддий меросни сақлаш: долзарб муаммолар ва уларни ечиш стратегияси” мавзуида халқаро анжуман ҳам ташкил этилганди.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхонаси Президентимизнинг ушбу ташаббусини амалга оширишга киришди. Мазкур тадбирнинг ўзаро ҳамкорликда юқори савияда ўтказилишига ва нафақат минтақа давлатлари, балки бутун халқаро ҳамжамият ёдида ёрқин ҳамда узоқ муддат қолишига ишонамиз.

**Умид ШОДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий вакили.**

# ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРАТИЛГАН

**Бунга мамлакатимиз етакчисининг конструктив ташаббуслари сабаб бўлмоқда.**

*“Ўзбекистон халқаро жараёнларга тобора фаолроқ кириб бормоқда, глобал ва минтақавий кун тартибини шакллантиришда дадил қатнашиб, ўз салоҳиятидан жаҳон ҳамжамиятининг кўп томонлама тузилмаси доирасида мақсадли фойдаланишга киришди. Шундай ёндашув туфайли Ўзбекистоннинг обрўси ва нуфузи ортиб бормоқда”.*

*Ушбу иқтибос “Political Events” ҳафталик таҳлилий журнали бош муҳаррири Муҳаммад Исмоил Хонга тегишли бўлиб, Ўзбекистон раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи юзасидан айтилган ва мамлакатимизнинг кейинги тўрт йил ичида жаҳон ҳамжамиятида эгаллаган мавқеини рўйирост кўрсатиб турибди. Ҳиндистонлик ҳамкасбимизнинг сўзларидан англашиладики, бугун турли давлатлар раҳбарлари ҳамда экспертлар жамиятининг диққат-эътибори Президент Шавкат Мирзиёевнинг пухта ўйланган ташқи сиёсати, асосли ташаббуслари ва изчил ислоҳотлари туфайли бизнинг мамлакатимизга қаратилган.*

## Долзарб мавзу

### Табриклаш учун асос бор

Қатъий регламент билан белгиланган чорак соат ичида нафақат Ўзбекистонни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан модернизация қилишнинг устувор вазифалари, балки минтақавий ҳамда глобал миқёсдаги долзарб масалаларни ҳам қамраб олиш ниҳоятда қийин вазифа. У шундай бажарилдики, Бош Ассамблея сессиясининг сиёсий баҳс-мунозарасини кузатиб бораётганлар орасида биринчи бўлиб Парламентлараро Иттифоқнинг бош котиби Мартин Чунгонг самимий фикр билдирди:

— Мен Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисидаги таклифи билан табриклайман, — деди у.

Ўзбекистон етакчисининг видеомурожаатига алоҳида қизиқиш билдирган “Marmara Grubu” стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар жамғармаси президенти доктор Аккан Сувер буни мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги ҳал қилувчи роли билангина эмас, балки демографик, иқтисодий ва умуман, геостратегик жиҳатдан тобора ортаётган нуфузи билан ҳам изоҳлади.

Туркиялик экспертнинг фикрича, бунда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан таклиф этилган “Янги Ўзбекистон”ни шакллантириш ва мамлакатда учинчи Ренессанснинг бошланиши ҳақидаги умуммиллий шиорда принципиал жиҳатдан янгича мазмунга эга ғояларнинг илгари сурилаётгани ва рўёбга чиқарилиши кўзда тутилаётгани муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг алоҳида иштирокчисига, ҳам мамлакат ичида, ҳам ташқарисида янгидан-янги ғоя ва ташаббусларни кўтариб чиқувчи, ислоҳотлар ҳамда том маънодаги янгиланишларга ундайдиган қувват ва шижоат бахш этувчи бир манбага айланиб бормоқда.

**Давлатимиз раҳбарининг нутқи ўзбек тилида гаплашадиган 50 миллиондан зиёд кишиларнинг қалбида фахр уйғотгани, шубҳасиз. Мамлакатимиз ва ундан ташқарида яшовчи бу инсонлар биринчи марта шундай юксак минбардан улуғ Алишер Навоий тилида янграган сўзлардан қалблари жунбушга келди. Ва бу рамзий маънога эга бўлди. Гўёки, илм-фан ва ижод гуллаб-яшнаган ўша Навоий замони билан айни вақтдаги учинчи Уйғониш даври ўртасида мисоли бир кўприк солинди.**

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# «ТАБИИЙ ГАЗ НАЗОРАТИ ВА ҲИСОБИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Лойиҳани молиялаштириш ва **2021 йил 1 августга қадар амалга ошириш** учун:

а) **Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 1 йиллик имтиёзли даврни** ўз ичига олган ҳолда **4 йил муддатда** қайтариш шарти билан, **6 ойлик ЛИБОР плюс 3 фоиз** йиллик ставкада, имтиёзли даврда асосий қарз бўйича ҳисобланган фоизлар капитализация қилиниши ҳисобга олиниб, **150 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредити жалб қилинсин**;

б) қуйидагилар жалб қилиниши маълумот учун қабул қилинсин:

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг **27,5 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги** кредити;

электрон газ ҳисоблагичларини йиғиш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларини Италиядан харид қилишга йўналтириладиган Италиянинг "**SACE**" давлат экспорт-кредит агентлигининг суғурта қопламаси остида хорижий тижорат банклари кредити;

Лойиҳанинг маҳаллий харажатларини қоплаш учун биринчи ўринда республика жамғармалари ва маҳаллий тижорат банкларининг **маблағлари ва заруратга кўра** хорижий молиявий ташкилотлар қарз маблағлари.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ билан биргаликда **жорий йил якунига қадар** Италиянинг "SACE" давлат экспорт-кредит агентлиги ва хорижий молиявий ташкилотлар билан музокаралар якунланишини ҳамда зарур миқдордаги маблағлар жалб қилинишини таъминласин.

Молия вазирига "Ҳудудгазтаъминот" АЖнинг Лойиҳа доирасида таъминот бўйича молия ташкилотлари, жамғармалар ва банклар олдидаги мажбуриятлари юзасидан тегишли кредит шартномаларининг талаблари асосида **Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатларини бериш ваколати** тақдим этилсин.

4. Қуйидагилар:

Лойиҳа доирасида **электрон газ ҳисоблагичларини етказиб бериш ва ўрнатиш** графиклари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

**табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда** Тизимни жорий қилиш графиги 3-иловага мувофиқ;

табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган ҳудудларнинг **йирик участкалари кириш қисмига электрон газ ҳисоблагичларини 2020 йилда ўрнатиш** графиги 4-иловага мувофиқ;

табиий газ **улгуржи истеъмолчиларининг Лойиҳа маълумотлар базасига уланиш** графиги 5-иловага мувофиқ;

табиий газ ҳисоблагичларини ўрнатиш ҳамда Тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича 2020 йил октябрь ойида ўтказиладиган **амалий машғулотлар** графиги 6-иловага мувофиқ;

Тизимни жорий этишни ташкиллаштириш бўйича **ишчи гуруҳининг намунавий таркиби** 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Тизимни жорий этишни ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳлари:

**бир ҳафта муддатда** ҳисоблагичларни ўрнатиш ва Тизимга улаш ишларини ташкиллаштиришга **маҳалла раислари ва нозирларини жалб қилиш** ҳамда тизимли равишда аҳоли ўртасида **кенг тушунтириш ишлари олиб бориш**ни ташкил қилсин;

ҳисоблагичлар ўрнатилган хонадонларда ишлатилган табиий газ учун **тўловларни ўз вақтида амалга ошириш** ва юзага келган **қарздорликларни ундириш ишларини тизимли ташкил қилсин**;

ҳудудда Тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш, ўрнатилган ҳисоблагичларга **сервис хизматлари кўрсатиш** ишларини ташкил қилсин;

Тизимни жорий этиш бўйича **кунлик назорат ўрнатсин**;

амалга оширилган ишлар тўғрисида масъул ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар ҳафтада **туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида** ҳамда ҳар ойда **вилоят даражасида эшитишни ташкиллаштирсин**.

6. **Тизим жорий этилишини назорат қилиш, натижадорлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш комиссияси** 8-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар мазкур комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Тизим жорий этилиши юзасидан назорат ўрнатиш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш;

Тизимни жорий этишни ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳларининг ишлари натижадорлигини, дебитор қарздорликни камайтириш ва ноқонуний уланишларга чек қўйиш самарадорлигини баҳолаш, ушбу йўналишларда масъул раҳбарларнинг лавозимга лойиқлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.

7. Вазирлар Маҳкамаси Ҳисоб палатаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Энергетика вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 октябрдан** бошлаб ушбу қарорга 3-иловада назарда тутилган ҳудудларда аҳолига сотилган табиий газ бўйича қўшимча тушумларнинг бир қисмини "Ҳудудгазтаъминот" АЖнинг ҳар бир ҳудуд кесимида махсус ҳисоб рақамларида жамғариш ҳамда мазкур маблағлар ҳисобидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан жалб қилинган кредит маблағларини қайтариш тартибини жорий қилсин.

8. Ҳисоб палатаси тузилмасида ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида **5 нафар** штат бирлигидан иборат **Электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларининг жорий этилишини ҳамда ҳисоб-китоблар ҳолатини мониторинг қилиш шуъбаси** ташкил этилсин.

Ҳисоб палатасига қуйидаги **қўшимча вазифалар** юклатилсин:

таъминотчи корхоналарнинг тақсимлаш тармоқларида электр энергияси ва табиий газ йўқотишларининг ўзгаришини таҳлил қилиш;

электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш ҳолати, электр энергияси ва табиий газ истеъмоли, ўзаро ҳисоб-китоблар ва мавжуд дебитор-кредитор қарздорликларининг таҳлили ва мониторингини олиб бориш, ушбу йўналишларда тегишли чоралар кўриб бориш;

махсус ҳисоб рақамларга пул тушумлари, уларнинг мақсадли сарфланиши ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит маблағлари тўлиқ ва ўз вақтида қайтарилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш.

9. "Ҳудудгазтаъминот" АЖ:

**2021 йил 1 январдан бошлаб табиий газ ҳисобини тўлиқ йўлга қўйиш**, тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундиришни таъминлаш, Тизим орқали аниқланган хатоларни тезкорлик билан жойига чиқиб, ўрганиш ва бартараф қилиш ишларини тизимли ташкиллаштиришни;

Лойиҳа доирасида ажратиладиган **маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни** ҳамда белгиланган **тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни**;

табиий газ ҳисоблагичларини ўрнатиш ва Тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича мазкур қарорга 6-иловадаги график асосида амалий машғулотлар ўтказилишини ташкил этиб, жойлардаги барча **ходимларнинг кўникма ва малакасини оширишни**;

**ҳар бир туман ва шаҳарда ҳисоблагич ўрнатиш гуруҳларини шакллантириш**, эҳтиёжга кўра, **туманлараро мобиль ўрнатиш гуруҳларини** ташкиллаштириб, график асосида ҳудудларга жалб қилишни йўлга қўйишни;

ҳудудий газ таъминоти ташкилотлари томонидан Лойиҳа доирасида табиий газ ҳисоблагичларининг истеъмолчиларга ўрнатилишида белгиланган тартибга қатъий риоя этилишини ва истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишни;

маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тузилган шартномалар доирасида белгиланган **тўловларни ўз вақтида амалга оширишни**;

мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланишининг экспертизасини якунлаб, **2020 йил 1 декабрга** қадар тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритишни;

**2021 йил 1 июнга** қадар Тизим билан мувофиқликда ишловчи замонавий биллинг тизими яратилишини;

"Ўзэлтехсаноат" уюшмаси билан биргаликда туман ва шаҳарлар кесимида электрон газ ҳисоблагичлари **ўз вақтида етказиб берилишини**, шунингдек, ҳар бир ҳудудда ҳисоблагич ва бошқа ускуналарни **таъмирлаш ва уларга сервис хизматини кўрсатиш шохобчалари** ташкил қилинишини таъминласин.

10. Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта муддатда** истеъмолчиларнинг "Ҳудудгазтаъминот" АЖ олдидаги истеъмол қилинган табиий газ учун қарздорликларини ундириш графигини ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш чораларини кўриб борсин.

11. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Лойиҳани молиялаштириш учун ажратиладиган кредитни сўндириш ҳамда ушбу кредит бўйича фоиз ва комиссияларни тўлашнинг прогноз жадвали 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Энергетика вазирлиги Лойиҳа доирасида:

"Ҳудудгазтаъминот" АЖга ажратиладиган қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

табиий газ ҳисобини юритиш;

аҳолига етказиб берилаётган табиий газ йўқотишларини бартараф этиш бўйича режалаштирилган натижадорликни таъминлаш;

тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорларда ундирилишини таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси **икки ҳафта муддатда**:

"Ҳудудгазтаъминот" АЖнинг Лойиҳа бўйича мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда табиий газни сотиб олиш нархларини ва табиий газни сотишдан тушган маблағларни тақсимлаш тартибини қайта кўриб чиқиб, тасдиқласин;

республикадаги иссиқлик таъминоти корхоналарининг пул маблағлари тақсимоти тартибини "Ҳудудгазтаъминот" АЖ олдидаги етказиб берилган табиий газ учун мавжуд қарздорликни сўндиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

14. "Ҳудудгазтаъминот" АЖга Лойиҳа амалга оширилишида, истисно тариқасида, унинг техник-иқтисодий асосланиши тасдиқлангунига қадар Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ билан биргаликда ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтган импорт шартномалари, шунингдек, маҳаллий пудратчи ва таъминотчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар бўйича молиялаштиришга рухсат берилсин.

15. Белгилаб қўйилсинки:

**Энергетика вазирлиги** Лойиҳа ўз вақтида амалга оширилишига **масъул ижрочи орган** ҳисобланади;

**"Ҳудудгазтаъминот" АЖ** Лойиҳа доирасида жалб этилаётган кредитлар бўйича **қарз олувчи** ҳисобланади, у асосий қарзни тўлайди, тегишли маблағлар ҳисобидан фоизлар, комиссиялар ва кредитларга хизмат кўрсатиш бўйича бошқа **харажатларни қоплайди** ҳамда жалб этиладиган қарз ва кредит маблағларидан **мақсадли ва самарали фойдаланиш учун масъул** ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари "Ҳудудгазтаъминот" АЖ билан ҳамкорликда мазкур қарорга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ электрон газ ҳисоблагичларининг тўлиқ ўрнатилишини таъминлайди;

ушбу қарорга 5-иловада белгиланган муддатлардан сўнг улгуржи истеъмолчилар билан шартномавий муносабатларга маълумотларнинг Тизимга фақат онлайн тарзда узатилиши таъминланган ҳолда йўл қўйилади.

16. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Ҳудудгазтаъминот" АЖ билан биргаликда:

**икки ҳафта муддатда** Тизим ўрнатиладиган ҳудудларда алоқа ва интернет қамрови билан таъминланганлик ҳамда алоқа сифати техник талабларга мослиги даражасини ўргансин;

**бир ой муддатда** барча ҳудудларни алоқа ва интернет қамрови билан 2020 йил якунига қадар таъминлаш ҳамда алоқа сифатини техник талабларга мослаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва унинг амалга оширилишини таъминлаб борсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Т.Турабов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 24 сентябрь

# ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРАТИЛГАН

## Бунга мамлакатимиз етакчисининг конструктив ташаббуслари сабаб бўлмоқда.

1

БМТнинг юбилей сессияси муваффақиятига янгича онлайн-формат ҳам халақит бера олмади. Ўта муҳим сиёсий тадбир ҳам эпидемиологларнинг талабига бўйсунишга мажбур бўлди, шу боис у виртуал форум тарзида ўтказилди. Бевосита минбарда туриб гапирувчи нотиқларда, албатта, имконият катта. Улар тингловчини нафақат нутқ мазмуни билан, балки жўшқинлик ёрдамида ҳам ўзига жалб қила олишади. Видеомурожаатда имконият анча чекланган. Шундай бўлса-да, ғоя ва янгича фикр устувор ҳисобланувчи ҳозирги давримизда таҳлилчиларнинг бутун диққат-эътибори нутқларнинг жимжимадор ва баландпарвоз ташқи безагига эмас, балки айнан моҳиятига қаратилмоқда.

**Ўзбекистон етакчисининг чиқишидан ҳам экспертлар керакли мазмунни илғаб олишди. Қатор хорижий telegram-каналларнинг сиёсатшунос ва шарҳловчилари, ҳатто барча нарсани танқид қилишга ўрганиб қолган ўта шубҳагўй олимлар ҳам, Бош Ассамблея 75-сессиясидаги музокараларнинг иккинчи кунига якун ясар эканлар, Ўзбекистон Президенти ўз нутқи билан ОАВ ҳамда кузатувчиларнинг эътиборини жалб қила олганини таъкидлашди.**

Муаллифлар ёзишича, Шавкат Мирзиёев мамлакатни уч йилдан ортиқроқ вақт мобайнида бошқариб, унга дунёдаги энг йирик корпорация ва иқтисодиётларнинг эътиборини қарата олди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон кейинги йилларда жаҳон ҳамжамиятининг муҳим қисми сифатида ўзининг COVID-19га қарши курашдаги ютуқлари, пандемиядан сўнг иқтисодиётни тиклаш бўйича саъй-ҳаракатлари ҳақида бутун дунёга гапира олади. Мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлашда ўзгариш бўлди, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Умуман, Ўзбекистон демократлаштириш йўлидан бормоқда. Нутқда алоҳида эътибор минтақавий сиёсатга ажратилди, бу эса давлатимизнинг минтақада етакчи эканидан далолат.

Шавкат Мирзиёев Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва бу мамлакатни урушдан кейин тиклаш ишларида Ўзбекистон фаол иштирок этаётгани ҳақида ҳам тўхталди. Ўзбекистон раҳбари, Доҳа шаҳрида афғон сиёсий кучлари ўртасида бошланган тинчлик музокараларини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш лозимлиги тўғрисида таклиф киритди. Бу бўйича таҳлилчиларнинг хулосаси эса аниқ: ана шундай қадамлар туфайли минтақа етакчилари майдонга чиқади ва улар Осиёнинг энг йирик давлатлари билан тенглашишга қодир бўлади.

### «Бешинчи отлиқ»қа қарши кураш

Кейинги бир неча ойда бутун дунё яна бир улкан хатар ва муаммога дуч келди. Жорий йил январида БМТ Бош котиби инсоният келажагини хавф остига қўювчи "тўртта отлиқ" ҳақида гапирган эди. Улар — глобал геостратегик тарангликнинг ўсиши, иқлим ўзгариши, халқаро майдонда ишончнинг инқирозга юз тутиши ва рақамли технологиялар жорий этилишидаги салбий оқибатлар. Энди маълум бўлишича, панада "бешинчи отлиқ" ҳам яшириниб турган экан — бу эса, COVID-19 пандемияси бўлиб чиқди.

— Биз бугун бир вақтнинг ўзида ҳам соғлиқни сақлаш соҳасидаги мисли кўрилмаган инқироз, ҳам энг йирик иқтисодий инқироз, ҳам Буюк депрессия давридан кейинги энг катта миқёсли иш ўринларининг йўқотилиши ва устига-устак, инсон ҳуқуқлари учун янги хатарлар билан тўқнаш келиб турибмиз, — деган эди ўшанда Антониу Гутерриш.

Пандемия дунёнинг заифлигини, тенгсизлик тобора ўсиб бораётганини кўрсатиб қўйди. Бош котиб 30 йил ичида биринчи марта камбағалликда яшаётган одамлар сони кўпайиб бораётгани, инсон салоҳиятининг ривожи кўрсаткичлари ҳам пасаяётганидан ташвишда.

Бу муаммолар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади, лекин уларга қарши туб ўзгариш ва ислоҳотлар амалга оширилиб, манзилли чоралар қўлланилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев нутқида қайд этилишича, биз биринчи марта камбағалликни камайтириш ҳақидаги қатъий қароримизни очиқ эълон қилдик. Бунга тадбиркорликни ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш, инвестиция ва бизнес муҳитини яхшилаш ҳамда замонавий инфратузилмани барпо этиш, одамларни янги касб-ҳунарларга ўргатиш ва аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали эришмоқдамиз.

Чиндан ҳам, яқин вақтларгача мамлакатимизда камбағаллик ҳақида гапирилмас эди. Давлатимиз раҳбари томонидан аҳолининг кам таъминлаган қатлами 12 — 15 фоизни ёки 4-5 миллион кишини ташкил этиши тўғрисидаги рақамлар эълон қилинди.

Бунда Президент нафақат муаммонинг кўламини кўрсатди, балки уни ҳал этиш йўлларини ҳам белгилаб берди. Жумладан, Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Камбағалликни қисқартириш дастурини ишлаб чиқиш, халқаро меъёрларни чуқур ўрганиш асосида камбағаллик тушунчаси, уни баҳолаш мезон ва усулларини ўз ичига олувчи янги услубиётни жорий этиш зарурати мавжудлигини таъкидлади.

Бу глобал муаммо билан қандай курашиш кераклиги ҳақида баҳслар давом этиб келяпти. Баҳс, асосан, иккита вариант атрофида кечади: камбағалга "балиқ" бериш, яъни моддий ёрдам кўрсатиб, унинг миқдорини доим кўтариб бориш керакми ёки "қармоқ" бериш, яъни камбағал ўзи ишлаб даромадини кўпайтириши учун шароит яратиш керакми?

Президент қайд этганидек, биринчи вариант — бир томонлама ёндашув бўлиб, у муаммони узил-кесил ечишга имкон бермайди. Давлат томонидан моддий ёрдам фақат жисмоний жиҳатдан чекланганлик туфайли ёки қандайдир объектив сабабларга кўра ўзи пул ишлаб топа олмайдиган одамларгагина кўрсатилиши керак. Бошқаларга эса давлат "қармоқ" бериши, яъни бандлик масаласини ҳал қилиши, етарли даражада иш ўринлари ва тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имкониятлар яратиши лозим. Қисқача айтганда, барча муҳтожларни ўз фаровонлигини ошира олиши учун ишончли даромад манбаи билан таъминлаш керак.

Камбағаллик билан курашишда самарали чоралар комплекси зарур ва улар бугунги кунда барча йўналишда амалга оширила бошланди. Ижтимоий нафақа олувчилар сони деярли 1,5 баравар ортди ва жорий йил охирига бориб 774 минг нафардан 1,2 миллион нафаргача кўпаяди. Моддий ёрдамга муҳтож кишиларнинг сонини аниқлаш учун жойларда тегишли рўйхатлар тузилмоқда. Масалан, янги ўқув йили арафасида ана шундай рўйхатга киритилган оилалардаги 16 ёшга тўлмаган, боқувчисини йўқотганлик нафақасини олувчи фарзандлар, шунингдек, ногиронлиги бор болаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг миқдори мунтазам ошириляпти, коронавирус пандемияси сабабли аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ёрдам учун триллионлаб сўм маблағ ажратилмоқда. "Қармоқ"қа келадиган бўлсак, бунда, аввало, ишсизлик муаммосини ҳал қилиш жуда муҳим. Хорижда ишлаётган ўн минглаб ватандошларимиз пандемия сабабли юртимизга қайтиб келганидан кейин бу борадаги вазият янада мураккаблашди.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қабул қилинган инқирозга қарши чоралар туфайли ҳатто карантин шароитида ҳам мамлакатимизда аҳолининг асосий қисми учун даромад манбаи ва турмуш даражаси сақлаб қолинишига эришилди. Бугунги кунда эса, пандемия сабабли тўхтаб қолган корхона ва фирмалар фаолияти ҳам тикланмоқда.

Аммо ҳали юз минглаб ўзбекистонликлар иш ўринларига ва даромадларини кўпайтиришга эҳтиёж сезмоқда. Уларни доимий ёки вақтинчалик иш билан таъминлаш учун қўшимча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, ўз эҳтиёжларини қондириш ва ортиқчасини сотиш учун ер участкалари ажратиш ёки жамоат ишларига жалб қилиш орқали.

Бандлик муаммосини ҳал этиш, оилалар фаровонлигини ошириш, демакки, камбағаллик билан курашишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Бугун меҳнатга лаёқатли инсон ўзи учун даромадли машғулот топа олади. Масалан, бу йил фақат "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. 370 мингдан ортиқ ватандошларимиз ўзини ўзи банд қилганлик ҳақида рўйхатдан ўтиб, солиқлар бўйича имтиёзга эга бўлди. Фарғона вилоятининг қишлоқ туманларида йўлга қўйилиб, ижобий натижа берган, аҳолининг бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиш кўникмаларини шакллантириш тажрибасини барча вилоятларда жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чоралар туфайли кам таъминланганлар тоифасига кирувчи, лекин меҳнатга яроқли аъзолари бўлган оилаларнинг сони сезиларли равишда камаяди. Демак, биз "бешинчи отлиқ"қа қарши жанг қила оламиз. Лекин бундай курашни глобал даражада ҳам олиб бориш керак. Шунинг учун Президентимиз ўз нутқида тобора ташвишли оҳанг касб этаётган қашшоқликнинг овози бутун дунё ҳамжамиятини, барчамизни безовта қилиши зарурлигини қайд этар экан, шу муносабат билан қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказишни таклиф этди.

### Фаровонлик умумий ҳаракатни талаб этади

БМТ Бош Ассамблеяси юбилей сессиясининг шиори — "Умумий ҳаракатлар билан умумий келажак сари" — ташкилотга кирувчи 193 давлатнинг хоҳиш-иродасини акс эттиради. Бундай келажакка ҳар бир инсоннинг асосий эҳтиёжларини таъминламай туриб эришиб бўлмайди.

Пандемия кўпгина тармоқларга катта зарар етказди. Кундалик эҳтиёжлар масаласи ҳам кескинлашди. Халқаро ҳамжамият бонг урмоқда. БМТ таркибига кирувчи Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури раҳбари Дэвид Бисли озиқ-овқат етишмаслигидан азият чекаётган одамларнинг сони ортиб бораётганини айтиб ўтди ва "Жуда катта кўламдаги очлик муаммоси билан боғлиқ хавф қаршисида қолишимиз" эҳтимоли борлиги ҳақида огоҳлантирди.

Антониу Гутерриш озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмол қилишга бўлган ёндашувни тубдан ўзгартириш, барчани озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни келишилган ҳолда амалга оширишга чақирди. БМТ Бош котиби 2021 йилда Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишланган саммит ўтказишни таклиф этди ва бу таклиф Ўзбекистон Президенти томонидан маъқулланди.



Экспертлар фикрича, ушбу саммит фақат навбатдаги тадбир бўлиб қолмай, балки 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларда туб бурилиш ясаши лозим.

Аҳолиси тез суръатларда ўсаётган Ўзбекистон учун озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш биринчи галдаги вазифа. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз бу муаммога дуч келган: кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларининг четдан келтирилганлиги сабабли очарчилик хавфи вужудга келган ва бу биз учун катта сабоқ бўлган.

Кейинги пайтда қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилинди. Пахта майдонлари қисқартирилиб, бўшаган ерларга бошоқли дон, мева-сабзавотлар экилди. Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа тармоқлар ривожланмоқда. Республикамиз озиқ-овқат саноати қувватларини кўпайтириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминламоқда. Энди уни мустаҳкамлаш вазифаси турибди.

Жорий йилнинг ўзида мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачилик ва агрологистика тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш ва қишлоқ хўжалиги соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадларига уч триллион сўм йўналтириш мўлжалланган.

Инқирозга йўл қўймаслик учун аграр тармоқ халқаро молиявий ташкилотлар маблағлари ҳисобидан модернизация қилинмоқда. Шу мақсадда қиймати 1,2 миллиард долларлик лойиҳалар рўёбга чиқариляпти.

Ва албатта, яна бир глобал муаммо — иқлим ўзгариши натижасида юзага келган ва йилдан-йилга кучаяётган сув ресурслари танқислиги доимий диққат-эътиборда. Шу боис сув тежовчи технология ва жиҳозларни жорий этишга алоҳида аҳамият бериляпти. Улар ҳозирча фақат 285 минг гектарда, яъни мавжуд ерларнинг етти фоизидагина қўлланиляпти, холос. Келгуси йилда бу кўрсаткични икки баравардан кўпроққа ошириш мўлжалланган. Шунингдек, суғориш меъёрларини ҳисоблаш услубиётини БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, сувдан оқилона фойдаланиш учун ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, сувга ҳисоблагич ўрнатган истеъмолчиларни рағбатлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдаги шу ва бошқа чора-тадбирлар саммит доирасида жаҳон ҳамжамияти эътиборига сазовор бўлади, деб ўйлаймиз. Биз учун эса, бу халқаро ташкилотлар билан муносабатларни янада мустаҳкамлашда янги имкониятларни очиб беради. Натижада дастурхонимизнинг янада тўкин бўлишига, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш ўринлари яратилишига, умуман, ҳаётимизнинг янада фаровонлашувига хизмат қилади.

Сессиянинг умумсиёсий баҳс-мунозара шаклида ўтказилиши фикрлар тўқнашувини тақозо этади. Ва шундай бўлди ҳам: форум давомида давлатлар раҳбарлари ўз стратегиялари, ёндашув ва концепцияларини илгари суришда бошқаларга қарама-қарши қўйишди ҳам, баъзан бир-бирларига киноялар ҳам қилишди.

Ўзбекистоннинг овози эса, бундан уч йил олдин ҳам, ҳозир ҳам бошқача жаранглади. Марказий Осиёни тубдан ўзгартириб юборган, умумий тараққиёт мақсадларига хизмат қилиб, мамлакатларни бирлаштирадиган даъватлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ минбаридаги чиқишлари орқали бутун сайёрамизга тарқалди. Тинчлик ва бунёдкорлик ғоялари билан суғорилган ташаббуслар баҳсга ўрин қолдирмайди: ахир улар умумий манфаатларга қаратилган.

Албатта, давлатимиз раҳбарининг нутқи унинг асл моҳиятини англаш мақсадида ҳали ўрганилади, таҳлил қилинади. Нутқда бирин-кетин илгари сурилган таклифлар батафсил очиб берилади ва бу тезислар ишлаб чиқиладиган "йўл хариталари" ва дастурларга асос бўлиб хизмат қилади. Бу ташаббуслар — жаҳон ҳамжамияти учун ҳам яхшилаб ўйлаб кўриш учун мавзу. Ўйлаб кўриш ва асосийси, аниқ ҳаракатларга киришиш эса, бугун барча учун зарур.

**Ўткир РАҲМАТ.**

Муносабат

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БУГУН ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ МУҲИМ

*Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқини нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё аҳли жуда катта қизиқиш билан кузатди. Нутқда тилга олинган ҳар бир масала зукколик ва теран тафаккур билан баён этилишидан ташқари, уларнинг ечимига оид аниқ таклифлар ҳам билдирилди.*



Хусусан, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш жанобларининг бугунги инқирозли вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишланган саммитни ўтказиш бўйича таклифини Президентимиз қўллаб-қувватлади. Негаки, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳозирги пандемия шароитида ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Айтиш жоизки, мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ҳам очарчиликнинг олдини олиш учун озиқ-овқат тизимларини қайта ташкиллаштириш, кенг мажбуриятлар борасида ўзаро келишиб олиш ва огоҳликни кучайтириш, овқатланиш билан боғлиқ касалликларни камайтиришдан иборат.

Шу билан бирга, БМТ Бош котиби жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва улар истеъмолига муносабатни кескин ўзгартириш ҳамда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга чақирди. Коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодиёт пасайиши фонида жаҳон ҳамжамияти озиқ-овқат инқирози кучайишидан ташвишга тушиб қолди.

БМТ йил охирига қадар глобал очлик ўсишини прогноз қилмоқда. Айни дамда 820 миллиондан ортиқ кишилар, яъни сайёрамизнинг ҳар тўққиз нафаридан бири етарлича овқат емайди. Бу йил COVID-19 инқирози туфайли яна 49 миллион киши қашшоқлик исканжасига тушиб қолиш эҳтимоли бор. Озиқ-овқат маҳсулотларига муҳтож одамлар сони яна ўсиши мумкин. Худди шу рақамларнинг ўзиёқ, мазкур муаммо глобал аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди.

БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури бош директорининг таъкидлашича, самарасиз сиёсий қарорлар, жумладан, айрим мамлакатлар томонидан жорий қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти чекланиши озиқ-овқат инқирозини келтириб чиқаради ва кенг қамровли гуманитар фожиага сабаб бўлади.

Коронавирус пандемияси шароитларида жаҳон бозори учун гуруч экспортини тўхтатган Вьетнам, ғалла, гуруч ва сабзавотлар экспортини тўхтатган Қозоғистон, пиёз, саримсоқпиёз ҳамда гречка экспортини тўхтатган Беларусь, лимон экспортини тўхтатган Туркиянинг ҳаракатлари бу жараёнга салбий таъсир кўрсатди. Бундан ташқари, жаҳонда энг кўп гуруч истеъмолчиси бўлган Хитой гуручнинг айрим навлари учун харид нархини оширди ва захирани шакллантириш мақсадида рекорд миқёсда гуруч сотиб олишни режалаштирмоқда. Россия ҳам 2020 йил июлига қадар ғалла сотишни тўлалигича чеклади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти айрим мамлакатлар учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш инструменти сифатида кўрилса, бошқа қишлоқ хўжалигига ихтисослашган давлатлар учун маҳсулотлар экспорти тўхтатилиши жиддий чақириқ сифатида қаралади. Жумладан, Африка мамлакатлари бу масалада ожиз бўлиб қолишади. Масалан, чорвачилик маҳсулотларининг экспорти Сомали ялпи ички маҳсулотининг 40 фоизини, экспортдан тушадиган даромадларининг 60 фоизига яқинини ташкил қилади, 65 фоиз аҳолининг асосий даромад манбаидир.

БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури ва Жаҳон савдо ташкилотининг қўшма баёнотида пандемияга қарши курашга йўналтирилган чора-тадбирлар глобал савдо ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини хатар остига қўйиши таъкидланади. Қайд этилишича, озиқ-овқат таъминотидаги ишончсизлик ва экспорт чекловларига сабаб бўлади ҳамда глобал бозорда тақчилликни келтириб чиқаради.

Давлатимиз раҳбарининг чиқишида шу каби долзарб масалаларнинг тилга олингани бежиз эмас. Мамлакатимизнинг бу борадаги стратегик мақсадлари баён этилган мазкур чиқиш — келгусидаги фаолиятимизда ҳам дастуриламалга айланади.

**Баҳодир ТОЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.**

Сенатор ва ҳаёт

# ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

*Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор, деган тамойил кейинги пайтда ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаб боряпти. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, юртдошларимизни ўйлантирган муаммолар имкон қадар ҳал қилинишини таъминлаш — Олий Мажлис Сенати аъзолари томонидан амалга оширилаётган кундалик фаолиятнинг ажралмас қисмига айлангани мисолида ҳам буни кўриш мумкин.*

Мазкур йўналишдаги изчил саъй-ҳаракатлар натижасида шу пайтгача ечимини топмаган оғриқли масалалар бартараф этилаётир. Буни сенаторлар номига келаётган миннатдорлик хатлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Ана шундай ташаккурномалардан бири Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Малика Қодирхоновага Бекобод шаҳар ҳокимлиги ва ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли номидан келган.

Маълумки, Бекобод шаҳрининг Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат чегараси ўтадиган қисмида баҳсли ҳудудлар мавжуд. Булар Бекобод шаҳрига қарашли “Бунёдкор” ва “Жомий” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда Ҳамид Олимжон номидаги маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли “Қардошлик-2” аҳоли пункти бўлиб, уларда мингдан зиёд фуқаролар истиқомат қилади.

Яқингача мазкур маҳаллалардаги ҳамюртларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, ҳомиладор аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга зарур кўмак бериш ва даволанишга муҳтожларга амалий ёрдам кўрсатиш ўта долзарб муаммо бўлиб келаётганди. Сенатор М. Қодирхsecuringнинг саъй-ҳаракати билан мазкур ҳудуддаги 78 нафар фуқаро Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларидаги санаторийларга жойлаштирилди. Уларнинг ҳар бирига зарур тиббий ёрдам кўрсатилди.

Сенаторга чин дилдан миннатдорлик билдирганлар орасида Қибрай туманининг Зафаробод қишлоғида яшовчи Муаттар Акрамова ҳам бор. Унинг турмуш ўртоғи Россия Федерациясидан карантин сабаб қайтиб кела олмади. Моддий қийинчиликларга учраган аёл эрининг пенсиясини тилхат асосида олиш учун бир неча марта банкка борди. Муаммо ҳал бўлавермагач, сенаторга мурожаат қилди. Сенат аъзосининг аралашуви билан масала ечим топди, қолаверса, ушбу оилага озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ИНСОНПАРВАРЛИК ТУЙҒУЛАРИ БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН

*Президентимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи, унда илгари сурилган муҳим таклиф ва ташаббуслар, халқаро ҳамжамият эътиборига тақдим этилган устувор йўналишлар айни пайтда оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда, қолаверса, парламент палаталарида, жамоатчилик, халқаро экспертлар ўртасида кенг мушоҳада қилинмоқда, катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.*

*Мухбиримиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг бу ҳақдаги таассуротлари, фикрлари билан қизиқди.*

Акс садо

**Нигора ҚУТЛИМУРАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:**



— Президентимиз нутқида гендер тенглик ва хотин-қизларга эътибор масаласи алоҳида тилга олингани, юртимизнинг барча аёллари каби мени ҳам ғоят тўлқинлантирди.

Ҳақиқатан ҳам, охирги 3-4 йил ичида мамлакатимизда гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар БМТ барқарор тараққиёт дастурининг энг асосий тамойилларига мос равишда олиб борилмоқда.

Ўзбек аёли сифатида шуни айтаманки, давлатимиз раҳбарининг гендер тенглик борасида олиб бораётган оқилона сиёсати туфайли бугун ҳар бир аёл қалбида нафақат сиёсий фаол бўлиш, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда бевосита иштирок этиш иштиёқи жўш урмоқда. Сабаби кейинги тўрт йилда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ва салоҳиятига катта ишонч билдирилди.

Янги парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробар кўпайгани, Олий Мажлис Сенати Раиси хотин-қизлар вакили экани, туманларда аёл ҳокимлар фаолият олиб бораётгани нафақат минтақамизда, балки халқаро миқёсда ижобий баҳоланмоқда. Қувонарлиси, бу соҳада амалга оширилаётган амалий ишлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиб бораётир.

Умуман олганда, мамлакатимизда аёллар масалалари бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг халқаро майдонда баралла айтилиши, ўзбек аёлининг эркин, ҳуқуқлари кафолатланган, ҳимояланган давлатда яшаётганини яна бир бор тасдиқлади.

**Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси:**

— Ҳар қандай сўзнинг қайси минбардан туриб айтилаётганида ҳам ҳикмат кўп. Президентимиз нутқини қайта-қайта тинглар эканман, ўзимизнинг қон-қонимизга сингиб кетган жондек қадрдон ўзбекона сўзларимиз баралла жаранглаганидан ўзгача ғурур-ифтихор туйдим.



Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб ўтган қатор масалалар — ёшлар ҳаётини тўғри йўлга қўйиш, уларни келгуси ҳаётга муносиб қилиб тарбиялаш, жамиятда аёллар фаоллигига эришиш, глобал иқлим ўзгаришлари асоратини камайтириш, давлатлар парламентлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга доир таклиф ва ташаббуслар ўзининг ҳаётийлиги, аҳамияти ҳамда долзарблиги билан диққатга сазовордир. Шу ўринда нутқда урғу берилган икки муаммо хусусида алоҳида тўхталиш лозим.

Бири — Афғонистонда ижтимоий барқарорликка эришиш, иккинчиси — дунё миқёсидаги қашшоқлик, камбағалликни бартараф этиш.

Афғонистонда ўн йиллар мобайнида давом этаётган нотинчлик туфайли ҳам “Қўшнинг тинч — сен тинч” деган нақл тиллардан тушмай қолмоқда. Яъни жафокаш афғон халқининг тинчлиги минтақанинг, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам тинчлигидир. Миллий-маҳаллий хунрезлик қачонгача давом этиши мумкин?! Наҳотки, барча соғлом кучлар бирлашиб, ушбу муаммо ечимини топмаса?!

Президент Шавкат Мирзиёев аниқ таклиф билдираётир: “БМТ ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш лозим”.

Инсоният ақл-идрокининг шиддат ила тараққий этиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳамонки шундай экан, Ер куррасининг қайсидир ҳудудларида сон-саноқсиз инсонлар очлик, қашшоқлик, ночорликдан азият чекаётгани — нобуд бўлаётганидан ташвишланиш ақлирасо инсонлар вазифаси, бурчи эмасми?! Бир бурда нонга, бир қултум ичимлик сувига зор, бемакон-бебатан, кўчманчиликдан ўзга илинжи қолмаётган замондошларимиз оғирини енгил қилиш БМТдек нуфузли халқаро ташкилотнинг бурчи-миссиясига айланмоғи даркор! Дунёнинг қайсидир пучмоғида оч-наҳор кишиларнинг мавжудлиги оқил инсонларни беҳаловат этиши муқаррар.

Ўзбекистон раҳбарининг ғоялари, таклифлари ўзининг ўзбекона инсонпарварлик туйғулари билан йўғрилгани, қатъияти ва мағрур жаранглаши билан ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:**

— Давлатимиз раҳбари халқаро ҳамжамият эътиборига минтақавий ва глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини тақдим этиб, Ўзбекистонни сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий модернизация қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Энг аввало, ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбари 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида БМТ конвенциясини яратиш ташаббуси билан чиққан эди. Ушбу ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан Ўзбекистон ташаббусни ўз зиммасига олган эди. Конвенция лойиҳасини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказиш ва уни тасдиқлатиш улкан аҳамиятга молик ҳисобланади.



Марказий Осиё минтақасининг кўҳна ва бой маданий меросининг аҳамиятини инсониятга етказиш борасида 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзуида халқаро форумни ўтказиш таклифини яна бир эзгу ташаббуслардан бири, дейиш мумкин. Бу тадбир учун айнан Хоразмнинг танлаб олиниши ушбу ҳудудни илмий-назарий жиҳатдан ҳамда унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни нуқтаи назаридан мукаммал ўрганиш ишларининг амалга ошишида катта аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган барча ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Зеро, уларнинг амалга ошишида айнан БМТнинг хайриҳоҳлиги ва кўмаги катта аҳамиятга эга. Шу боис БМТнинг мувофиқлаштирувчи халқаро тузилма сифатидаги марказий ўрнини янада кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

**Шербек БЎРОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**



— Президентимиз нутқида ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратиш фикри ҳамда шунга мос аниқ ташаббус илгари сурилди. Бу БМТ шафелигида пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш таклифидир.

Инсоният учун синовга айланган пандемия даврида давлатлар ўртасида ишончга, бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган ҳамкорлик улкан зарурат экани аён бўлди. Пандемия оқибатида кутилмаган вазият юзага келиши дунё иқтисодиётига қаттиқ зарба бермоқда, бундан, аввало, эҳтиёжманд, кам даромадли қатлам азият чекяпти, жамиятларда камбағал қатлам кўпаймоқда, бу эса нафақат бир давлат, балки халқаро миқёсдаги барқарорлик учун таҳдидга айланмоқда.

Шу маънода, камбағалликка қарши курашиш глобал вазифа бўлиб бормоқда. Давлатлар ва иқтисодиётлар ўртасида фаол муносабатлар ўрнатилмаса, бир давлат доирасида камбағалликка қарши самарали курашиш қийин кечади. Чунки бугун иқтисодиётлар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган, улар ўзаро айри ҳолатда барқарор ривожлана олмайди.

Мамлакатимизда пандемия сабабли камбағаллик, ишсизлик хавфи кучайиши олдиндан ҳисобга олиниб, тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тўғри, ҳали муаммолар оз эмас, жойларда камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Лекин энг муҳими шундаки, қийин вазиятда муҳтож қатламга биринчи навбатда зарур бўлиб турган ёрдам, қўллаб-қувватлов кўрсатилмоқда, катта тажриба тўпланяпти. Давлатнинг барча тааллуқли тузилмалари бу жараёнга жалб қилинган, саъй-ҳаракатлар ягона мақсад учун сафарбар этилмоқда. Ҳали олдинда вазифаларимиз кўп.

Президентимизнинг камбағалликка қарши курашиш БМТ Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бирига айланиши кераклиги ҳақидаги таклифи ўта муҳим ва ўткир масалани ҳал этишда давлатлар ўртасида ҳамкорликни янги даражага кўтаришга, мураккаб муаммо бўйича янги ечимлар пайдо бўлишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

**Хайрилло ҒАФФОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экологик партия фракцияси аъзоси:**



— Ўзбекистон раҳбарининг нутқини бугунги глобаллашув даврида дунё миқёсида тинчлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш, пандемияга қарши самарали курашишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш борасида том маънодаги сўз ва иш бирлигини кўрсатувчи ҳамда истиқболни белгиловчи тарихий ҳужжат дейиш мумкин.

Бинобарин, унда янги Ўзбекистонни шакллантиришда мамлакатимизда барча соҳа қатори сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, демократик ўзгаришларга тўхталиш билан бирга, ҳозирги мураккаб шароитларда амалга оширилиши лозим бўлган конструктив таклифлар илгари сурилди.

Айниқса, коррупцияга қарши муросасиз курашиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, минтақа давлатлари ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш, ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича билдирилган фикрларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўз навбатида, биз, Экологик партиядан сайланган депутатлар давлатимиз раҳбари нутқидан келиб чиққан ҳолда, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатлари ижросининг сўзсиз бажарилиши юзасидан назорат-таҳлилий фаолиятни олиб бориш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кучайтиришни биринчи галдаги вазифаларимиз сифатида белгилаб олдик. Уларни бажаришда бор кучимиз, ғайратимиз ҳамда билимимизни сарфлаймиз.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# СЕНАТОРЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

*2020 йилги пахта йиғим-терими давомида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳамда теримчилар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш юзасидан қатъий назоратни таъминлаш мақсадида сенаторлар, депутатлар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси, журналист ҳамда блогерлардан иборат ишчи гуруҳлар шакллантирилди. Улар томонидан шу йилнинг 21 сентябридан ҳудудларда ўрганишлар олиб борилмоқда.*

Ўрганиш

Муҳими, пахта йиғим-терими ишларига фуқароларни, корхона, ташкилот ва муассасалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, ҳарбий хизматчиларни мажбурий жалб қилиш ҳолатларининг олди олинмоқда. Бунинг учун ҳудудларда сенаторлар ҳамда ишчи гуруҳлар аъзолари томонидан тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳозир жойларда ушбу йўналишдаги мурожаатлар, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги хабарларда келтирилган ҳолатлар зудлик билан ўрганиляпти. Аниқланган муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Шу асосда жойлардаги масъулларга тегишли топшириқлар берилаётир.

Жумладан, сенаторлар Хоразм вилояти туманларида ўрганиш ишларини олиб боришяпти. Хусусан, Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Ботир Матмуратов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ аъзолари вилоятнинг барча туманида бўлиб, фермерлар ва теримчилар билан суҳбатлашди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари Гавҳар Дурдиева, Фароғат Саъдуллаева ва Умарбек Шарипов ҳам мониторингда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, Хонқа туманида ўтказилган назорат тадбирлари доирасида “Xorazm tex” МЧЖ кластери тасарруфида бўлган 10 минг 65 гектар пахта майдонига 20 мингдан зиёд теримчилар жалб этилганлиги, шундан 13 минг 110 нафари аҳоли ва 7 минг нафари кластер ҳамда фермер хўжаликлари ишчилари эканлиги аниқланди. Уларга уч маҳал иссиқ овқат, маданий ҳордиқ чиқариш учун шароитлар яратилган. Антисептик воситалар ва тиббий ниқоблар пахта даласига етказиб берилмоқда. Шунингдек, зарур ҳолларда тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Теримчилар автобусларда далаларга олиб борилмоқда.

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари Шуҳрат Чўллиев раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ эса Қашқадарё вилоятининг Ғузор ва Нишон туманларида терим жараёнларини ўрганмоқда. Шуниси эътиборлики, жойларда теримчиларга иш ҳақини ўз вақтида тўлаш масаласи тўлиқ ҳал қилинган. Жумладан, биринчи теримда ҳар бир килограмм қўлда терилган пахта учун 1000 сўмдан, иккинчи теримга 1400 сўмдан тўланиши белгиланган. Банк муассасалари вакиллари томонидан меҳнат ҳақи ҳар куни даланинг ўзида нақд шаклда тўланмоқда. Бу муҳим жиҳат, чунки кўпчилик теримчилар “темир дафтар”га киритилган оилаларнинг аъзолари бўлганлиги боис уларга кундалик маош тўлаш масаласи назоратга олинган.

**«Халқ сўзи».**

# «АНИҚ ФАНЛАР РИВОЖИ ШАРҚДАН БОШЛАНГАН»

## дейди мирзаободлик «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиби Азизжон Эшбеков

*Азизжон Эшбеков бу йил Мирзаобод туманидаги инглиз тилига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини битирди. У физикага қизиқади. Кечагина мактабни тугатган бўлса-да, алпқомат йигитдан “Энг улуғ физик олим ким?” деб сўрасангиз, у кўпчилик кутганидек Исаак Ньютонни эмас, балки, энг аввало, Абу Райҳон Берунийни тилга олади. Ва бу фикрини аниқ мисоллар билан исботлаб ҳам беради. “Масалан, — дейди у, — Ер радиуси 6400 километр бўлса, Беруний бобомизнинг физик-математик тадқиқи натижаси — 6370 километр. Озгина фарқни айтмаса, аниқ ҳисоб-китоб”.*



Иқтидор

У қомусий аллома аждодимизнинг физика соҳасидаги илмий кашфиётларига яна кўплаб мисоллар келтиради ҳамда аниқ фанлар ривожи айни Шарқдан бошлангани билан фахрланади.

Боланинг қайси йўналишга қизиқиши юқорилиги 6 ёки 7-синфларда маълум бўлиши ҳаётда кўп бор кузатилган. Азизжонда ҳам шундай бўлди. У айни шу ёшида физикани танлади.

Мазкур фан ўқитувчиси Хуршид Мираҳмедов ўқувчисидаги иқтидорни сезиб, у билан алоҳида шуғуллана бошлади. Натижада Азизжоннинг билими тумандан то республика миқёсидаги беллашувларда, онлайн халқаро танловларда юқори баҳоланди. Инглиз тилини яхши билиши эса фан дарслигидан ташқари интернет орқали соҳага оид адабиёт ва янгиликларни ўқиб бориш имкониятини ҳам яратди. Болалигидан ўқиганлари асосида қўлбола тажрибалар ўтказишга ҳам одатланди. Бир гал уйида целлофан халтанинг бир неча жойини тешиб, унга тўлдирилган сувнинг тенг тақсимда оқишини кузатса, бошқа бир пайт шарларнинг қия текисликдаги текис тезлашувчи ҳаракатини амалда синаб кўрди. Бундай амалиётлар унинг физикага бўлган қизиқишини янада орттирди ва Азизжон айтадики, ҳар бир мактабда физика лаборатория хоналари мукаммал бўлса ҳамда ўқитиш қатъий амалиёт билан қўшиб борилса, шунда баъзи ўқувчилар наздида бўлганидек, ушбу фан ҳеч ҳам мураккаб ёки зерикарли туюлмайди. Аксинча, ҳар бир ўқувчини ўзига оҳанрабодек тортиши аниқ.

Физика ёки математика, умуман, аниқ фанларни яхши билиш эса бошқа йўналишларни танлаганлар учун ҳам жуда зарур ва фойдали эканлиги ҳаётда кўп исботланган. Шу маънода, Азизжон бошқа соҳалар бўйича ҳам иқтидор ҳамда дунёқарашини ўстиришга алоҳида эътибор бераётган ёш замондошларимиз сирасиданлиги эътиборга лойиқ. У ўзи ўқиган мактабда бир неча йил “Сиёсий саводхонлик сардори” сифатида энг фаол ёшлардан бўлди. Эндиги мақсади эса Тошкент ахборот технологиялари университетида ўқиб, келгусида айни физика фани учун анимацион дастурлар яратиш.

Азизжон оддий оила фарзанди. Отаси Маҳмуджон Омонов истеъфодаги катта сержант. Онаси Нилуфар Омонова ҳисобчи. Улар оиласига Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги арафасида кетма-кет қўш хушхабар келди. Гап шундаки, Президентимиз қарорига асосан, Азизжон Эшбеков “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланган бўлса, айни вақтда Мирзаобод туманидаги “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилаётган отаси Маҳмуджон Омонов “Содиқ хизматлари учун” медали билан мукофотланди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Бағрикенглик

# ЮКСАК ОЛИЖАНОБЛИК НАМУНАСИ

*Инсон учун озодлик, хотиржамлик, оила даврасида ҳаёт кечиришдан ортиқ бахт йўқ аслида. Афсуски, буни фақат кеч — тўғри йўл қолиб эгри йўлни танлаганимда, жиноятга қўл уриб, озодликдан маҳрум этилганимдан сўнгина англаб етдим. Бугун ана шу буюк неъматни қалбан тўлиқ ҳис қилиб, уни қадрлаб яшаяпман.*

Мен 2009 йил 14 февралда жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди томонидан 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этилгандим. Президентимизнинг Фармонига биноан шу йил 27 август куни муддатдан илгари озод қилиндим. Бу бахтли лаҳзаларни умрим давомида унутолмасам керак...

Умримнинг салкам 11 йилини панжара ортида ўтказганимдан афсусдаман. Ноқонуний иш қилганимдан минг-минг пушаймондаман. Жиноятга жазо муқаррар, деганларидек мен қилмишим учун жазоимни олдим. Панжара ортида озодликнинг қадрига етдим, озодлик — энг катта бахт экан.

Маҳкумликда кечирган умрим менга катта ҳаётий сабоқ бўлди. Менинг жиноятимни афв этган Президентдан бир умр миннатдорман. Халқимиз кечиримли, Президентимизнинг бағрикенг эканига яна бир бор амин бўлдим. Агар кечирилмаганимда яна беш йилдан кўп вақт қамоқда ўтиришим керак эди. Тўғриси, буни тасаввур этиш қийин...

Янги Ўзбекистонни кўриб, юртимиздаги ўзгаришлардан кўнглим тоғдек кўтарилди. Вилоятимизни, айниқса, туманимизни танимай қолдим. Бундай улкан ўзгаришлар, янгиланишлар руҳимни кўтарди. Энди ҳаётимни янгидан бошламоқчиман. Ҳалол-пок яшаб, элу юрт равнақи йўлида фойдали меҳнат қилмоқчиман.

Ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнини топиши керак. Оилам бағрига қайтганимдан сўнг вилоят ҳокимлиги, маҳалла оқсоқоллари ва профилактика инспекторлари яқиндан кўмак берди, хонадонимизга келиб, яшаш тарзимизни, муаммоларимни ўрганишди. Пенсия ёшига етганим учун пенсияга чиқишда амалий ёрдам сўрагандим. Тезда барча зарур ҳужжатлар расмийлаштирилди. Пенсияга чиқиб, уйда ўтирмоқчи эмасман, албатта. Ниятим — Ватанимиз тараққиётига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш. Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл берилганлиги туфайли фарзандларим билан тадбиркор бўлишга бел боғладик. Бу ишда ҳам мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлашяпти. Бундан бениҳоя мамнунман.

**Ҳасан НАЗАРОВ.**
Жиззах вилояти, Зарбдор тумани.

# ФАРҒОНА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ҚАНЧАЛИК ТАЙЁР?

*Халқ дарди билан яшаш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Шу боис давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифлари чоғида ўтказилган йиғилишларда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, мутасаддилар зиммасига қатор вазифалар юкламоқда. Хусусан, Президентимиз раислигида ўтган ҳафта куз-қиш мавсуми тайёргарлигига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида жорий йилги қиш совуқ келиши кутилаётгани алоҳида таъкидланди.*

## Бугуннинг гапи

Айни жараёнда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммолар таҳлилий-танқидий руҳда ўрганилиб, тегишли вазирлик ҳамда идоралар, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларига аниқ вазифалар топширилди.

Очиғи, аҳолида қиш мавсумида табиий ва суюлтирилган газ таъминоти масаласида кўп эътирозлар кузатилади. Хўш, жорий йилда Фарғона вилоятида ушбу муаммога қандай ечим топилмоқда?

Қуйида шулар хусусида фикр юритамиз.

Айтиш керак, бу йил вилоятда суюлтирилган газ етказиб бериш ҳажмини ўтган мавсумга қараганда 48 фоиз кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бу борада Энергетика вазирлигининг махсус штаби Фарғона вилоятида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганган ҳолда шундай хулосага келди: суюлтирилган газ истеъмолчиларига газ баллонларини ўз вақтида етказиб бериш зарур. Бу борада газ баллон ускуналарини маҳаллийлаштириш ишларини бошлаш керак. Бунинг натижасида газ баллон захиралари янада кўпайтирилиб, истеъмолчиларга ўз вақтида ва узлуксиз етказилиши таъминланади.

Фарғона шаҳри кўп қаватли уйлар мавжудлиги бўйича мамлакатимизда Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринда туради

— Бу йил 95 та кўп қаватли уйни таъмирлаш учун тижорат банклари томонидан 1 миллиард 650 миллион сўм имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш режалаштирилган, — дейди Фарғона шаҳар ҳокими ўринбосари Дилмурод Бекмирзаев. — Бугунги кунгача 19 та кўп қаватли уйнинг том қисми жорий ва мукаммал таъмирдан чиқарилди. 30 та кўп қаватли уйнинг электр тақсимлаш шитлари, 1470 погонометр иссиқлик тик қувурларини созлаш, фрамугаларига пластик ромлар ўрнатиш ишлари олиб бориляпти. Кириш йўлакларини мавсумга ҳозирлаш, темир эшиклар ўрнатиш ишлари босқичма-босқич ҳал этилмоқда.

Булар яхши, албатта. Лекин, афсуски, бу борада ҳар йилги таниш муаммолар кўзга ташланади. Ширкатларга ўз вақтида банк кредитлари ажратилмай, белгиланган вазифалар ижроси таъминланмайди. Бу йил ҳам бажарилиши керак бўлган ишларнинг кўпи режа сифатида қоғозда қолиб кетиш хавфи бор. Чунки аксарият кўп қаватли уйларда ҳали ҳам уй олди қисмини бетон қопламалар билан қоплаш, кичик йўл ва йўлаклар, болалар майдончалари қуриш, ирригация тармоқларини таъмирлаш ишларига киришилгани йўқ.

Фарғона шаҳри маркази — Алишер Навоий даҳасида жойлашган кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли учун марказлашган тартибда иссиқ сув етказиб бериш, иссиқлик таъминоти муаммо. Шу сабабли ҳудудда истиқомат қилувчилар куз-қиш мавсумида қўлбола плита ҳамда электр иситиш мосламаларидан фойдаланишга мажбур бўлмоқда.

Фарғона вилояти "Иссиқлик манбаи" корхонаси бўлим бошлиғи Абдулазиз Қўлдошевнинг қайд этишича, Алишер Навоий даҳасида марказлашган иссиқлик тизимига уланмаган 234 та кўп қаватли уйда локал қозонхоналар ўрнатиш юзасидан таклиф ва лойиҳалар ишлаб чиқилган. Аммо лойиҳалар ҳали молиялаштирилмагани учун ушбу кўп қаватли уйларнинг иссиқлик таъминоти ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш ўзига хос муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Фарғона шаҳрида 80 га яқин кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли лифтлардан фойдаланади. Лекин аксарият уйлардаги лифтлар маънан эскириб, яроқсиз ҳолга келган. Лифтлар мунтазам ишлаши учун эҳтиёт қисмлар ва мутахассислар етишмайди.

— Маҳалладаги 9 қаватли уйларда лифтлар бир кун ишласа, бир ҳафта ишламайди, — дейди Фарғона шаҳридаги "Юлдуз" МФЙ раиси Раъно Аҳмаджонова. — Бу биз учун оғриқли муаммо. Бунинг учун маҳаллий ҳокимлик кўмагига муҳтожмиз...

Фарғона туманининг чекка ҳудудига кирувчи "Қўрғонтепа" МФЙда жойлашган Қўрғонтепа қишлоқ врачлик пунктининг бугунги абгор ҳолати бир қарашдаёқ ҳар қандай инсон кайфиятини бузиши аниқ. Лаборатория, тиббий асбоб-ускуналар эскириб, бинонинг ташқи ва ички ҳолати ночор аҳволда. Хоналар деразалари синган, бинонинг орқа қисмига дарвоза ўрнатилмаган. Умумий амалиёт шифокори Матлуба Расулова ҳамда 18 нафар патронаж ҳамшира совуқ кунларда қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланишга мажбур эканликларини куюнчаклик билан таъкидлашди.

ҚВП мудири Ҳамиджон Қодиржоновнинг айтишича, ҳисоб-китобларга кўра, қиш мавсуми учун 27 тонна кўмир зарур. Ҳозирги кунга қадар 13,5 тонна кўмир жамғарилган.

Мақола тайёрланиш жараёнида мудир биз билан боғланиб, деразаларга янги ойналар қўйилгани, хоналар таъмири учун бўёқлар олиб келганини маълум қилди. Аммо қиш мавсуми учун бу саъй-ҳаракатлар етарлимикан?

Фарғона туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабида қиш мавсуми учун 16 тонна кўмир захираси мавжуд. Аммо яна 11 тонна кўмирга эҳтиёж бор.

Мактаб директори Илҳомжон Абдуолимов қиш мавсумига тайёргарлик борасидаги бундай камчиликлар учун мактабнинг хўжалик ишлари бўлими мудири ишдан бўшатилганини таъкидлади. Маълум бўлишича, 2016 йилдан буён муассасада 12 нафар хўжалик ишлари мудири ишдан бўшатилибди. Биргина шу ҳолатнинг ўзи ҳам таълим муассасаларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари нечоғли оқсаётганидан далолат.

Демак, Фарғона вилоятида куз-қиш мавсуми тайёргарлиги билан боғлиқ юмушлар ҳали тўлиқ ниҳоясига етказилмаган. Бегиланган вазифалар қоғозда қолиб кетмаслиги учун мутасаддилар қачон уйғонади, буниси номаълум...

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

«Микрокредитбанк»:

# КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ДОИМИЙ ҲАМКОРИ

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ҳақида сўз кетганда, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки фаолияти алоҳида тилга олинади.*

*Бу бежиз эмас, албатта. Чунки айнан ушбу молия муассасасининг микромолиявий хизматлари туфайли жойларда кўплаб тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлмоқда. Янги иш ўринлари яратилиб, одамлар даромадига даромад қўшилмоқда. Турмуши яхшиланмоқда. Ички бозоримиз харидорбоп маҳсулотлар билан бойияпти. Бунда, табиийки, сўнгги йилларда банк ва мижоз ўртасидаги масофа тобора қисқариб, молия муассасасининг мижоз учун қулай шартларда таклиф этаётган хизматлар тури янада кенгайиб бораётгани айни муддао бўлаётир.*

MIKROKREDITBANK

## Молия муассасаларида

Айтиш керакки, бу борада "Микрокредитбанк" ўзига хос тажрибага эга. Чунки тармоқлар вакилларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга кўмаклашадиган мазкур банк тадбиркорларнинг ҳақиқий кўмакчисига айланган. Банк томонидан таклиф этилаётган хизматларнинг барчаси, биринчи навбатда, мижоз манфаати устуворлигини кафолатлайди.

Бунга банкнинг Андижон вилояти минтақавий филиалининг бугунги фаолияти яққол мисол бўла олади.

Айни пайтда "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг Андижон вилояти минтақавий филиалида 37 мингта мижозга хизмат кўрсатиб келинаётган бўлса, шундан 3635 таси юридик, қолгани эса жисмоний шахслардир.

Банк томонидан халқ хўжалиги тармоқларининг барча йўналиши такомиллашуви учун қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган даврида Андижон вилоятида жами 247, 8 млрд. сўм миқдорида кредитлар айнан шу мақсадларга ажратилди. Бунинг 102,1 млрд. сўми банк маблағлари бўлса, 145,7 млрд. сўми бюджетдан ташқари ва хорижий кредит линиялари ҳисобидан берилган. Ушбу кредитлар эвазига жорий йилнинг 8 ойида жами 6 195 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, "Микрокредитбанк" Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги Қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш тўғрисидаги мажлис баёнига мувофиқ, мамлакатимизда қуёнчиликни ривожлантиришга масъул молия муассасаси этиб бириктирилган. Эътиборлиси шундаки, банк томонидан ўтган вақт мобайнида ушбу йўналишда кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Ташаббускор тадбиркорлар ғоялари қўллаб-қувватланди ва жараён ҳозир ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Андижон вилоятида 46 та агрофирма кластер усулида фаолият юритиш учун ташкил қилиниб, қуёнчилик соҳасини кенгайтиришга банк томонидан 44,0 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар тақдим этилди.

Бугунги кунга қадар 4 482 та аҳоли хонадонларига 44 826 бош қуён тарқатилди. Ушбу 44 826 бош она қуённинг ҳар бири йил якунига қадар уч марта, ўртача олтитадан болалаши инобатга олинса, келгуси йил бошида уларнинг сони 806,8 минг бошга етиши аниқ.

Қайд этиш жоизки, банкнинг Андижон филиали томонидан оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг январь — август ойларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида жами 2170 та аҳоли ва тадбиркорлик субъектига 77,0 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Шундан 1242 тасига жами 47,4 млрд. сўм миқдорида "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури асосида имтиёзли кредитлар берилган.

Бу каби лойиҳалар — оилавий тадбиркорлик ҳамда қуёнчилик ривожи йўлида амалга оширилаётган ишлар тизимли равишда давом эттирилади.

**Банк ахборот хизмати.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*

ЭЪЛОНЛАР

**Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти (ҚХМИТИ)**

**2021 йил учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:**

***05.07.01 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш;***
***05.07.02 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш;***
***05.05.07 — Қишлоқ хўжалигида электр технологиялари ва электр ускуналари.***

Керакли ҳужжатлар:
— ариза;
— маълумотнома (3.5 шакл бўйича ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (таянч докторантурага — ишлаётган талабгорлар учун, мустақил изланувчиликка — камида 2 йиллик илмий-педагогик ёки муайян илмий ютуқларга эга) бўлиши керак;
— нашр этилган илмий ишларнинг талабгор томонидан имзоланиб, иш жойидан тасдиқланган рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
— паспорт нусхаси (асли кўрсатилиши шарт);
— IELTS гувоҳномаси (мавжуд бўлса);
— иш жойидан тавсифнома (мустақил изланувчиларга);
— 4x4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат.

***Эслатма:*** талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг www.phd.mininnovation.uz докторантура тизими орқали рўйхатдан ўтиши керак.
Ҳужжатлар 2020 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

**Манзил: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор қўрғони, Самарқанд кўчаси, 41-уй, ҚХМИТИ, Илмий кадрларни тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш шуъбаси.**
**Тел.: 70-601-07-04, моб.: 90-948-70-02.**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**2021 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича таянч докторантурага (PhD) қабул эълон қилади:**

| Т/Р | Шифри | Ихтисослик номи |
|---|---|---|
| 1. | 08.00.02 | Макроиқтисодиёт |
| 2. | 08.00.10 | Демография. Меҳнат иқтисодиёти |

**Ҳужжатлар 2020 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.**
**Таянч докторантурада (PhD) ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:**
- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим магистратураси дипломи нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширади. Талабгорларда IELTS (ўртача бали камида 5,5) TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади.

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари учун суҳбат 2020 йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари ўтказилади.

**Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Ислом Каримов шоҳкўчаси, 49-уй, Тошкент давлат иқтисодиёт университети бош биноси, 14-қават, 14-07 хона.**
**Телефон: 71-239-29-42.**
**Веб-сайт: www.cedr.uz E-mail: info@cedr.uz**

**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

**ҳузуридаги «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси таянч докторантура (PhD) ҳамда докторантура (DSc)да 2021 йил учун давлат маблағлари ҳисобига ўқитишга қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.**

| Таянч докторантура (PhD) (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун) | | |
|---|---|---|
| 02.00.07 | — | Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллар кимёси ва технологияси — 3 ўрин; |
| 01.04.06 | — | Полимерлар физикаси — 1 ўрин; |
| 02.00.15 | — | Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси — 1 ўрин; |
| 05.02.01 | — | Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси — 2 ўрин. |
| **Докторантура (DSc) (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)** | | |
| 02.00.07 | — | Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллар кимёси ва технологияси — 1 ўрин; |
| 05.02.01 | — | Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси — 1 ўрин. |

**Таянч докторантура (PhD) ва докторантурага (DSc)талабгорлар www.phd.mininnovation.uz сайтида электрон рўйхатдан ўтгач, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:**
— ариза;
— паспорт нусхаси;
— маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим муассасаси магистратура дипломи, фан номзоди ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
— докторантурага кирувчилар учун номзодлик (ёки PhD) дипломининг нусхаси;
— иш жойидан тавсиянома;
— илмий раҳбарнинг розилик хати;
— тадқиқот мавзуси бўйича докторлик диссертацияси режасининг тўлиқ лойиҳаси;
— илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалар ҳамда тезислар рўйхатининг 3.4-шакли иш жойидан тасдиқланган ҳолда (докторантура (DSc)га талабгорлар учун камида — 3 та мақола, 2 та тезис; таянч докторантура (PhD)га талабгорлар учун 1 та мақола, 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари.

**Таянч докторантура (PhD)га қабул имтиҳонлари рўйхати:**
— мутахассислик;
— чет тили.

**Докторантурага (DSc) талабгорлар суҳбатдан ўтказилади.**

**Ҳужжатлар онлайн тарзда 2020 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.**
**«Фан ва тараққиёт» ДУК манзили: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7-«А» уй. Телефонлар: 71-246-39-28, 71-246-83-21.**

**«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2020 йил 19 сентябрдаги 199-сонида чоп этилган хабарномага тузатиш киритиш тўғрисида**

Хабарноманинг асосий қисми ўзгаришсиз қолган ҳолда, иккинчи сўзбоши қуйидагича ўқилсин:
Аукцион савдоси 2020 йил 19 октябрь куни соат 11.00 да, шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдолар 2020 йилнинг 2, 16, 30 ноябрь ва 14, 28 декабрь кунлари соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 68-«А» уйда бўлиб ўтади.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши жамоаси меҳнат фахрийси, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби
**Маматқул САЛОМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 31 558 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.35 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6